«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ТКТИ ректори
Ш.А.Муталов
_______________
«_02_»____апрель____________2018 й.

**Тошкент кимё-технология институти таълим сифатини назорат қилиш бўлимининг 2018 йил I - чорак иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҲИСОБОТИ**

| № | Режалаштирилган ишлар мазмуни | Ижро механизми | Ижроси бўйича амалга оширилган ишларнинг қисқача мазмуни (бажарилмаганлик ҳолатлари сабаблари кўрсатилади) |
|---|---|---|---|
| 1. | Олий таълим муассасалари (ОТМ) таркибидаги таълим сифатини назорат қилиш бўлими ташкил этилганлигини эълон қилиш ва ОТМ таркибий тузилмаси таркибига киритиш. Бўлим Низоми, бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари, иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Бўлим Низоми, бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари, иш режаси намунавий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилади ва ОТМ Кенгашида тасдиқланади | Тошкент кимё-технология институти (ТКТИ) таркибидаги таълим сифатини назорат қилиш бўлими ташкил этилганлиги институт илмий кенгашида эълон қилинди ва институт таркибий тузилмаси таркибига киритилди. Бўлим Низоми, бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари, иш режаси намунавий ҳужжатлар асосида ТСНҚБ ходимлари бўлим бошлиғи Алимов И.М., бош мутахассислар Жўраев А.Б., Джахангирова Г.З. лар томонидан ишлаб чиқилди, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н.Ташкенбаев билан келишилди ва институт Кенгашида тасдиқланди. (17.01.2018)<br>21.12.2017 даги 3/649-сонли буйруққа асосан Алимов Искандар Махамадалиевич бўлим бошлиғи, 29.12.2017даги 3/657-сонли буйруққа асосан Жўраев Асрор Бахтиёр ўғли, Джахангирова Гулноза Зинатуллаевна бош мутахассислар деб тайинланди. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2. | ОТМ веб-сайтида Бўлимнинг махсус саҳифасини очиш ва унда талабалар, профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва фуқароларнинг мурожаатлари, таклифлари ва эътирозларини қабул қилишни ташкил қилиш | ОТМ веб-сайтида белгиланган тартибда саҳифа очилади ва унинг фаолияти йўлга қўйилади | Тошкент кимё-технология институти веб-сайтида бўлимнинг махсус саҳифаси белгиланган тартибда 2018 йилнинг 12 январида очилди ва унинг фаолияти йўлга қўйилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар доимий ўрганиб борилмоқда ва тегишли таклифлар ўрнатилган тартибда институт раҳбариятига (ТКТИ кенгашига) етказилмоқда.<br>Сайт манзиллари (линклари) (http://tkti.uz/?lang=ru) Сўровнома http://tkti.uz/uz/pages/info/224; https://docs.google.com/forms/d/e/1FAIpQLScYjPWqexZwamqlxyKal1Aqppxf1Nc7emjHI_TszlAdMVhQmg/viewform?c=0&w=1; http://tkti.uz/uz/pages/info/234; Ўқитувчилар салоҳияти, талабанинг билимини холис баҳолаши, дарс ўтиш сифатига қаратилган масалалар бўйича: http://ovoz.tcti.uz/sandbox/admin_page.php http://ovoz.tcti.uz/sandbox/add_student.php http://ovoz.tcti.uz/sandbox/add_student.php http://ovoz.tcti.uz/sandbox/add_survey.php<br>Сайтдан олинган исботловчи расмлар алоҳида файлда хисобот билан бирга тақдим этилган. |
| 3. | Бўлимнинг фаолияти учун зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар номенклатурасини шакллантириш, уни белгиланган тартибда тасдиқлаш ва юритилишини ташкил этиш | Бўлим фаолиятига тегишли меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларни (рўйхат илова қилинади)www.lex.uz ва бошқа расмий манбалардан олинади, электрон база яратилади | Бўлим фаолиятига тегишли меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди ва электрон базаси яратилди, улар асосида иш юритилиш ташкил этилди. Меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиши доимий давом этяпти.<br>Меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар электрон базаси 95% яратилди. Ҳозирги вақтда ҳужжатлар электрон базаси бойитиляпти. |
| 4. | ОТМ, факультетлар, кафедралар ва тегишли бўлимларнинг иш режаларини таҳлилий ўрганиш ва уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, тегишли таркибий тузилмаларга | ОТМ таркибий тузилмалари иш режалари ўрганилади. Ўрганиш натижасида таркибий тузилмаларнинг иш режаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади (Саволнома илова қилинади) | ТКТИ ва унинг таркибий тузилмалари иш режалари ўрганиш бўйича институт ректорининг 20.01.2018даги 48-сонли буйруғига асосан таълим сифатини оширишга қаратилган масалаларни киритиш бўйича таклифлар бериш учун тажрибали |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | таълим сифатини оширишга қаратилган масалаларни киритиш бўйича таклифлар бериш | | мутахассислари (Dr.Ph.D., PostDoc WUT Алимов И.М., т.ф.д., проф. Додаев Қ.О., ф.ф.д., проф. С.Отамуродов, доц, Сирожов О., к.ф.д., доц. Х.Қодиров, т.ф.н., доц. А.Бобоқулов, т.ф.н., доц. А.Рўзибоев, т.ф.н., доц. Хабибуллаев Р.А., доц.БабахановаЗ.И., Норқобилов А.Т.) бириктирилди ҳамда саволнома асосида ўрганилиб (муддат 20-30 январь 2018 йил), тегишли таркибий тузилмаларнинг иш режаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мисол: Ўрганиш натижалари асосида тегишли таркибий тузилмаларнинг иш режаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхати:<br>1. Инновационный центр.<br>1.1. «Организация и проведение ярмарки инновационных идей, технологий и проектов студентов ТХТИ».<br>1.2. «Организация постоянно действующего кружка по оформлению заявок на получение патента на изобретение, по использованию патента на предприятии и порядку получения вознаграждения».<br>2. Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.<br>1.2.3. «Докторантлар семинарини ташкил этиш, эришилган натижа ва муаммоларни ўзаро муҳокама қилиш (ҳисобот презентация шаклида, йилига бир маротаба) ».<br>1.2.4. «Хар бир таянч докторант, докторант ва мустақил-изланувчиларни илмий ишларини режага мувофиқ амалга оширилаётганлигини семинар орқали қатъий назорат остига олиш».<br>ТКТИ ва унинг таркибий тузилмалари: ўқув ишлари бўйича проректор, илмий ишлар бўйича проректор, молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор, маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | илмий-тадқикот бўлими, халқаро алоқалар бўлими, маънавият ва маърифат бўлими, ўқув-услубий бўлими, юқори малакали илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими, ўқув таълим ресурслари ва дастурий таъминотни тадбиқ этиш бўлими, магистратура бўлими, ахборот технологиялари маркази, ахборот ресурс маркази, ўқув техник таъминот бўлими, таҳририят-нашриёт бўлими, инновацион марказ, факультетлар, кафедралар) |
| 5 | Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ички экспертларни жалб қилган ҳолда чуқур ўрганиш, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Давлат инспекциясига тақдим этиш | Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилади, таҳлил қилинади ва натижалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади | 08.01.2018 йилда ТКТИ тажрибали профессор-ўқитувчилар иштирокида (жами 10та) (доц.Айходжаева Н.К., доц.Абдумавлянова М.К., д.х.н., проф.Тешабаева Э.У., д.х.н., проф.Ибодуллаев А.С., д.х.н., доц. Қодиров Х.Э., д.т.н., проф. Додаев Қ.О.) дан ташкил топган ишчи гуруҳ жалб этилиб, таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказишга оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланди ва ўрнатилган тартибда Давлат инспекциясига тақдим этилди. (9январь 2018 йил).<br>ТКТИ Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи бошчилигида ўтказилган экспертлар гуруҳи муҳокамасининг аудио ёзув мавжуд. |
| 6 | ОТМда ўқув жараёнининг ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари ва ишчи фан дастурлари билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш | Мазкур хужжатлар ўқув бўлими, деканат, кафедралар кесимида мавжудлиги ўрганилади.<br>Мазкур ҳужжатлар асосида таълим жараёнининг ташкил қилинганлиги, барча ҳужжатларнинг ўзаро мантиқий мослиги, фан дастурларида фаннинг мақсад ва вазифаларининг аниқ ёритилганлиги, машғулотлар жараёнида қўлланилаётган педагогик технологиялар, методлар ва усулларнинг мавзуларга ҳамда | ТКТИ ректорининг 2018 йил 31 январдаги 76-сонли буйруғининг 1-бандига асосан таркибий тузилмаларда таълим сифатини назорат қилиш бўлими ходимлари бўлим бошлиғи Алимов И.М., бош мутахассислар Жўраев А.Б., Джахангирова Г.З. лар томонидан ўқув жараёнининг ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари ва ишчи фан дастурлари билан таъминланганлик ҳолати, уларни кадрлар истеъмолчилари фикрларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш билан таълим интеграцияси нуқтаи |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | талабаларнинг эҳтиёжларига мослиги таҳлил қилинади, уларнинг машғулотлар жараёнида қўлланилаётганлиги баҳоланади, камчилик ва муаммолар аниқланади.<br>Аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли таркибий тузилмалар томонидан белгиланган чоралар ижроси назоратга олинади | назаридан янада такомиллаштириш ташкил қилинганлиги, уларнинг ўзаро мантиқий мослиги, фан дастурларида фаннинг мақсад ва вазифаларини аниқ ёритилганлиги, машғулотлар жараёнида қўлланилаётган педагогик технологиялар, методлар ва усулларнинг мавзуларга ҳамда талабаларнинг эхтиёжларига мослиги таҳлилий ўрганилди ва аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси назорат қилинмоқда. (ҳисобот илова қилинади). |
| 7 | Профессор-ўқитувчиларнинг ярим йиллик шахсий иш режаларининг бажарилишини ўрганиш. | Профессор-ўқитувчиларнинг ярим йиллик шахсий иш режаларининг бажарилиш ҳолати таҳлил қилиниб, натижалари бўйича ОТМ ректорига маълумот тақдим этилади (Илова-жадвал асосида). | ТКТИ ректорининг 2018 йил 31 январдаги 76-сонли буйруғининг 2-бандига асосан профессор-ўқитувчилар шахсий иш режаларининг 1-ярим ўқув йили якунлари бўйича бажарилиши, ўқув юкламаларининг “Вақт меъёрлари” асосида тўғри тақсимланганлигига эътибор қаратилган ҳолатда ўрганилди.<br>Таҳлил натижалари ҳамда юкламаларни оптималлаштириш бўйича таклифлар 2018 йил 31 январдаги 76-сонли буйруғининг бажарилиш бўйича ҳисоботда келтирилади.Ажратиладиган юкламалар ҳажмини оптималлаштириш бўйича таклифлар ТКТИ ректорига тақдим этилди. Таклифларда бажариладиган ишларнинг (ўқув услубий, илмий, маънавий маърифий) аниқ бажарилиш муддатларини келтирилиши мақсадга мувофиқ, мутахассислик фанларидан ажратиладиган юклама соатларининг аксарияти кузги ва баҳорги семестрларга тенг тақсимланиши мақсадга мувофиқ. |
| 8 | ОТМ моддий-техник базасини ўрганиш. | Ҳар бир кафедра кесимида таълим жараёни моддий-техник базасининг ҳолати (лаборатория жиҳозларининг замонавийлиги, яроқлилик муддати, зарур моддий ашёлар билан таъминланганлиги | ТКТИ ректорининг 2018 йил 31 январдаги 76-сонли буйруғининг 3-бандига асосан ҳар бир кафедра кесимида таълим жараёни моддий-техник базасининг ҳолати (амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун зарур бўлган махсус ўқув |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | ва ҳ.к.) таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади (Илова-жадвал асосида) | хоналари ва улардаги жиҳозларнинг мавжудлиги, замонавийлиги, яроқлилик муддати, зарур моддий ашёлар билан таъминланганлиги ва ҳ.к.) таҳлил қилинди, тегишли таклифлар берилди (буйруқ иловасидаги жадвал асосида умумий ҳисобот келтирилган).<br>Таклифлар: Ҳозирда замонавий жиҳозларнинг нархлари 10 млн ва ундан юқори бўлганлиги сабабли фақатгина кафедрада олиб борилаётган лойиҳалар асосида уни олишга имконият туғилмаши мумкин шу муносабат билан институт бош бўлиб керакли суммани ажратишга кўмаклашишини тавсия этиш. 3.Моддий-техник базани яхшилаш мақсадида тегишли мутахассисликлар кесимида соҳа йўналишига мос қисқартирилган касб ҳунар коллежларидан ўқув лабораториявий жиҳозларини аниқлаш, ўзаро шартнома тузиш орқали ОТМ балансига ўтказишни ташкил қилиш. 4.”Нефть газни қайта ишлаш кимёвий технологияси” кафедрасида жами 1000 та талаба таҳсил олаётгани ҳисобга олган ҳолда ўқув аудитория ва лаборатория хоналари етишмовчилиги аниқланди. Шу муносабат билан талабаларда олинган билимини кўникмасини тўғри шаклллантириш мақсадида талабалар сонидан келиб чиқиб, ками 3 та лаборатория ва маърузалар хонаси, лаборатория машғулотларини ўтиш учун зарур жиҳозларни таъминлаш учун институт раҳбарияти ҳамда факультет, кафедра ходимлари ташаббускорлиги орқали соҳа кадрлар истеъмолчиларини жалб қилган ҳолда ташкил қилиш. “Юқори молекулали бирикмалар” кафедрасида аудитория етишмовчилиги мавжуд, шу сабабли 1та лаборатория ва маърузалар хонаси билан ички имкониятлардан келиб чиқиб ҳамда лаборатория машғулотларини ўтиш учун зарур |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | замонавий жиҳозларни таъминлаш мақсадида институт раҳбарияти ҳамда факультет, кафедра ходимлари ташаббускорлиги орқали соҳа кадрлар истеъмолчиларини жалб қилган ҳолда ташкил қилиш. “Кимёвий технология жараён ва қурилмалар” кафедрасида жиҳозлар маънавий эскирган ва соз ҳолатда эмас. Буни бартараф этиш бўйича маъсуллар тайинланиб камчиликларни бартараф этиш лозим. “ИАБ” кафедрасида аудитория етишмовчилиги мавжуд ҳамда лаборатория машғулотларини ўтиш учун кўргазмали стендлар асбоб ускуналар олиш ёки яратишга кўмаклашиш зарур. Ҳар бир кафедра мудирига янги ўқув йилида мутахасисликдан келиб чиқиб кафедрада бирор бир маҳсулотни кичик технологик линиясини ишга туширишини юклаш (ишлаб чиқариш корхонаси, институт ҳамда лойиҳа грантлари асосида). |
| 9 | ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг фанлар бўйича асосий ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини АРМ ва кафедралар кесимида ўрганиш. | ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режасидаги фанларнинг замонавий ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолатининг (жумладан тиллар кесимида) АРМ фондидаги мавжудлиги ўрганилади.<br>Аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида ОТМ раҳбарияти ва тегишли бўлимлар билан ҳамкорликда босқичма-босқич амалга ошириладиган режа ишлаб чиқилади, унинг ижроси назоратга олинади (Илова-жадвал асосида). | ТКТИ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режасидаги фанларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати тиллар кесимида АРМ фондида мавжудлиги жадвал (сўровнома) асосида ўрганилмоқди.<br>АРМ ва кафедралар кесимида мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида институтда янги авлод ўқув адабиётларини босқичма-босқич тайёрлаш бўйича режа ишлаб чиқилиши режалаштирилмоқда ва ТСНҚБ ходимлар томонидан унинг ижроси назоратга олинган. ТКТИ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режасидаги фанларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати тиллар кесимида АРМ фондида мавжудлиги бўйича зарур маълумотлар тўлиқ етказиб берилмаганлиги сабабли, унинг ижроси ТСНҚБ нинг II чорак иш |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | режасига киритилди. |
| 10 | Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ўрганиш | Ҳар бир профессор-ўқитувчиниг илмий салоҳияти таҳлилий ўрганилади ва маълумотнома тайёрланади (Илова-жадвал асосида) | ТКТИ ректорининг 2018 йил 31 январдаги 76-сонли буйруғининг 4-бандига асосан ТСНҚ бўлими бошлиғи И.Алимов, бош мутахассислар А.Жўраев ва Г.Джахангировалар томонидан барча факультетелар кесимида 24 та кафедранинг ҳар бир профессор-ўқитувчисининг илмий салоҳияти иш режанинг 10-бандига илова қилинган жадвалларда келтирилган кўрсаткичлар бўйича таҳлилий ўрганилди, ТКТИ бўйича маълумотлар базаси тайёрланди, тегишли таклифлар тайёрланиб институт ректорига тақдим этилди (маълумотлар иловада келтирилган).<br>Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти институт ректори томонидан тасдиқланган ички буйруққа асосан тегишли жадвалларга кўра таҳлилий ўрганилди ва бажарилган ишлар натижаси бўйича тегишли таклифлар бўлим бошлиғи И.Алимов томонидан ректор ҳузуридаги мажлисда ҳисобот шаклида тақдим қилинди. Мажлис йиғилишининг баённомаси иловада келтирилди. |
| 11 | Профессор–ўқитувчилар томонидан дарс машғулотларининг ўтказилиш ҳолатини таҳлилий ўрганиш. | Тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ва бўлим мудиритомонидан ишлаб чиқилиб, ТКТИ ректори тасдиқлаган *режа асосида* профессор-ўқитувчилар дарс машғулотларининг ўтказилишҳолатиўрганилади, уларнинг сифати ва самарасига эътибор қаратилади. Ўрганиш натижалари бўйича таклифлар тайёрланади, институт ректорига (Кенгашига) тақдим этилади. | Институт ректори билан келишилган ҳолда ТСНҚ бўлими ходимлари бўлим бошлиғи И.Алимов, бош мутахассислар А.Жураев ва Г.Джахангировалар томонидан барча факультетлар кесимида 1 ҳафтада 2 та дарс (ҳафтасига 6 та дарс машғулоти) февраль-март ойларида таҳлил қилинди. Апрель ойидан дарс таҳлилларини кенгроқ олиб бориш мақсадида институт ректорининг ички буйруғига кўра институт тажрибали профессор-ўқитувчиларидан 20 нафари экспертлар сифатида жалб этилиши белгиланди. ТКТИ ректорининг 2018 йил 3 мартдаги 158-сонли буйруғига асосан тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ТКТИ ректори тасдиқлаган режа асосида профессор-ўқитувчилар дарс |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | машғулотларининг ўтказилиш ҳолати ўрганилмоқда, ўрганиш давомида уларнинг сифати ва самарасига эътибор қаратилмоқда. Ўрганиш натижалари бўйича таклифлар тайёрланиб институт ректорига (Кенгашига) тақдим этилмоқда. (буйруқ илова қилинади).<br>ТСНҚ бўлими томонидан "Озиқ-овқат саноатидаги технологик машина ва жиҳозлар" кафедрасининг 3 та ўқитувчисининг дарс машғулотлари чуқур таҳлил қилинди. 2018 йилнинг 3 феврал куни 6-15 ТМЖ гуруҳидаги 12 та талабанинг, 7-15 гуруҳидаги 17 та талабанинг, 11-15р 7-15 гуруҳидаги 17 та талабанинг "Машина деталлари" фанларидан курс лойиҳаси таҳлилий ўрганилди ва тегишли таклифлар ректор ҳузурида ўтказилган мажлисда кафедра мудири ва профессор-ўқитувчиларига етказилди. Натижада кафедранинг 3 нафар ўқитувчиси огоҳлантирилди ҳамда кейинги ўқув йилидан улар билан шартнома тузилмаслигига қарор қилинди. (Ўтказилган мажлиснинг баённомаси иловада келтирилди) |
| 12 | Кафедраларда мустақил таълимнинг ташкил этилганлигини ўрганиш. | ТКТИда талабалар мустақил таълимини ташкил этишга оид шароитлар(услубий тавсиялар ва кўрсатмаларнинг мавжудлиги, ўқув-лаборатория хоналарининг зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги, улардан талабаларнинг фойдаланиши учун имкониятларнинг яратилганлиги, АРМдаги шароитлар, унинг иш режими, компьютер техникалари ва уларнинг интернетга уланганлиги, ишлаш тезлиги, Wi-Fi зоналарининг мавжудлиги, ТТЖларда кутубхоналарнинг мавжудлиги, уларда яратилган шароитлар ва б.)нинг | ТКТИ ректорининг 2018 йил 31 январдаги 76-сонли буйруғининг 5-бандига асосан ТСНҚ бўлими бош мутахассислар А.Жўраев ва Г.Джахангировалар томонидан барча факультетлар кесимида 24 та кафедрада мустақил таълимнинг ташкил этилганлиги таҳлилий ўрганилди, тегишли таклифлар тайёрланиб кафедра мудирларига етказилди. Аниқланган камчиликлар 76-сонли буйруқнинг ҳисоботида келтирилди. Мустақил таълимни ташкил этиш учун услубий қўлланмалар барча кафедраларда мавжуд, ўқув-лаборатория хоналарининг зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги бўйича баъзи кафедраларда камчиликлар аниқланди, замонавий лаборатория |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | яратилганлик ҳолатлари ўрганилади. Тегишли таклифлар тайёрланади, улар ОТМ ректорига (Кенгашига) тақдим этилади. Белгиланган чора-тадбирлар ижроси назоратга олинади. | жиҳозларидан улардан талабаларнинг фойдаланиши учун имкониятлар тўлиқ яратилмаган, АРМ га юқори тезликда китобларни нусхасини кўчириб берадиган жиҳоз олиниши, АРМ да Wi-Fi зоналарининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўларди. (буйруқ, ҳисобот илова қилинади) |
| 13 | Кузги семестр якуни бўйича талабалар билимини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш асосида рейтинг балларининг холислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини баҳолаш | Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари семестр якуни бўйича солиштирма жадваллар, сифат ва миқдорий кўрсаткичлар асосида таҳлил қиланади | ТСНҚ бўлими бошлиғи И.Алимов, бош мутахассислар А.Жўраев ва Г.Джахангировалар томонидан барча факультетлар кесимида 24 та кафедрада талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари семестр якуни бўйича (танлаш асосида ўқитилаётган фанларнинг 50% кам эмас) таҳлил қилинди, таклифлар тайёрланди ва институт ректорига (Кенгашига) тақдим этилди ҳамда Давлат инспекциясига тақдим этилди. |
| 14 | Охирги 3 йилда БМИ ва МД мавзуларини ишлаб чиқаришдаги (кадрлар истеъмолчилари) муаммолардан келиб чиқиб шакллантирилганлигини ҳамда улардаги такрорланишларнинг мавжудлигини ўрганиш | БМИ ва МД мавзуларини ишлаб чиқаришдаги (кадрлар истеъмолчилари) муаммолардан келиб чиқиб шакллантирилганлиги ҳамда мавзулардаги такрорланишларнинг мавжудлиги нуқтаи назардан ўрганилади | Кафедралар кесимида охирги 3 йилда БМИ ва МД мавзуларининг ишлаб чиқаришдаги (кадрлар истеъмолчилари) долзарб муаммолардан келиб чиқиб шакллантирилганлигини ҳамда улардаги такрорланишларнинг мавжудлиги таҳлилий ўрганилди, аниқланган камчиликлар 76-сонли буйруқ ҳисоботида келтирилган. |
| 15 | Кадрлар истеъмолчиларининг фан дастурлари ва битирувчилар малакаси бўйича фикр - мулоҳазаларини ўрганиш | Кадрлар истеъмолчиларининг (асосий иш берувчилар кесимида, сўровномалар шаклида) фикр-мулоҳазалари ўрганилади | ТСНҚ бўлими ходимлари томонидан асосий иш берувчилар концернлар, уюшмалари, бирлашмалари, ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар кесимида ОТМ номидан хат орқали чиқиб сўровномалар шаклида уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилмоқда. Шу билан бирга институтимизда анъанавий ўтказиладиган “Карьера” кунларида келган иш берувчилар маъсулларидан сўровномалар олинмоқда (Илова келтирилади). Таҳлил натижалари асосида тегишли таклифлар тайёрланди ва институт ректорига (Кенгашига) тақдим этилди. (Маълумот илова қилинади) |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 16 | ОТМда чет тилини ўрганиш бўйича яратилган шароитларни таҳлил қилиш. | Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг чет тили(лари)ни ўрганиши учун курслар ташкил этилганлиги таҳлил этилади. | Охирги 3 йил давомида ТКТИ профессор-ўқитувчиларига чет тили(лари)ни ўрганишлари учун қўшимча курслар ташкил этилган ва барча профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, ташкил этилган чет тилини ўрганиш учун курсларга профессор-ўқитувчиларнинг қатнашишлари суст бўлган. Шу сабабли ТКТИ раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари орасида келишмовчиликларга, норозиликларга олиб келган. Профессор-ўқитувчиларнинг фикри бўйича улар ўзлари ҳоҳлаган тил марказлари ҳамда ўзларига қулай вақтда тил ўрганишлиги маъқул бўлган. Натижада 2017-2018 ўқув йилида институт ҳудудида чет тилини ўрганиш бўйича профессор-ўқитувчилар учун курслар ташкил этилмаган. Иш режанинг ушбу бандининг ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида институт ички буйруғи тайёрланиб барча кафедралар кесимида чет тилини ўрганиш бўйича аниқ йўналтирилган жадвали ишлаб чиқилиши режалаштирилди. |
| 17 | Чет тили ўқитувчиларнинг тил билиш даражасини таҳлилий ўрганиш | Чет тили ўқитувчиларнинг тил билиш даражасини сўровнома асосида таҳлилий ўрганиш. | Чет тили ўқитувчиларининг тил билиш даражасини ўрганиш талабаларнинг билим даражасини ўрганиш асосида жорий йилнинг 23 феврал санасида 46-15, 17-17, 18-17, 27р-17, 28р-17 гуруҳларида жами 72 та талабадан тест шаклда (10 та саволдан иборат) сўровнома олинди. Тест натижалари бўлим ходимлари томонидан таҳлил қилинди, тегишли таклифлар тайёрланди ва бўлим бошлиғи томонидан институт ректори ҳузуридаги мажлисда тақдим этилди.(Маълумот илова қилинади). |
| 18 | Мутахассислик фанларининг чет тилида ўқитилиши ва рағбатлантириш механизмларини ўрганиш | Мутахассислик фанларининг чет тилида ўқитилиши ва ОТМдаги рағбатлантириш механизмларининг мавжудлиги ўрганилади | ТКТИ ректорининг 2018 йил 16 мартдаги 184-сонли ички буйруғи тасдиқланиб, институтнинг чет тилини биладиган ходимларидан ташкил топган экспертлар гуруҳи тузилди: 1. Адилова Шахноза |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Рахимовна, 2. Джуманиязова Малоҳат Рихсиевна, 3. Шокирова Муқаддас Мусахановна, 4. Бабаханова Зебо Абдуллаевна. (Буйруқ илова қилинади) Экспертлар гуруҳи мутахассислик фанларининг чет тилида ўқитилиши ҳолати ва унинг ОТМ бўйича салмоғи ва сифатини ўрганмоқдалар ҳамда мутахассислик фанларидан дарс берувчи ўқитувчи-мутахассисларни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва улар ОТМ ректорига (Кенгашига) тақдим этилди. Мутахассислик фанларини инглиз тилида олиб борувчи профессор-ўқитувчиларнинг меъёрий хужжатлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган, ТКТИ ректори томонидан тасдиқланган ва чет тилига таржима қилинган. Назорат вақтида талабаларнинг инглиз тилини билиш даражаси жуда пастлиги кузатилди. Айниқса оғзаки нутқи пастлиги кузатилди. Маълумотлар Давлат Инспекциясига 14 март 2018 йил тақдим этилган. |
| 19 | ОТМнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ, академик лицей) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларидаги сифат даражасини аниқлаш мақсадида ички аттестация ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ва ОТМ ректорига тақдим этиш. | ОТМ таркибий тузилмаларини ички аттестациядан ўтказиш қоидалари ва талаблари асосида уни ўтказиш жадвали ишлаб чиқилади, ОТМ кенгашида тасдиқланади ва тегишли таркибий тузилма раҳбарларига эълон қилинади. | ТКТИда ички аттестацияни ўтказиш бўйича ички буйруқ лойиҳаси тайёрланди ва барча факультетларнинг кафедралари кесимида жадвал ишлаб чиқилди.ТКТИнинг таркибий тузилмаларидаги ички аттестация ўтказиш муддати 18 июндан 25 июнгача деб белгиланди. |
| 20 | Давлат инспекцияси томонидан тақдим этилган талаблар асосида таркибий тузилмалардан ОТМ ички аттестациясига оид маълумотларни олиш ва маълумотлар базасини | Таркибий тузилмалардан тасдиқланган талаблар асосида ОТМ ички аттестациясига оид маълумотларнинг олиниши ташкил этилади ва Бўлимда уларнинг базаси ташкил қилинади. Мазкур | ОТМнинг 2017 йилдаги фаолиятини рейтинг баҳолашга (88-03-1386- сонли 2.03.2018даги модемограмма) оид маълумотлар жамлашда тегишли таркибий бўлинмалар кесимида маълумотлар базаси шакллантирилди. |